

## Жаннатнинг даражаси нечта?



08:30 / 13.12.2018 6864

Термизий раҳимахуллоҳ Ато ибн Ясордан, у Муоз ибн Жабалдан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Жаннатда юзта даража бордир. Ҳар бир даража осмон билан ер орасича. Энг баланди Фирдавсдир. Фирдавснинг устида Арш бор. Жаннат дарёлари ўша ердан оқиб чиқади. Бас, агар Аллоҳдан сўрасанглар, Фирдавсни сўранглар".

Ибн Ваҳб айтади: "Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: "Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, жаннатда нечта даража бор?" деди. "Юзта даража, – дедилар у зот, – ҳар бир даражанинг ораси осмон билан ер орасича келади. Биринчи даражанинг ҳовлилари, уйлари, эшиклари, сўрилари ва калитлари кумушдан; иккинчи даражанинг ҳовлилари, уйлари, эшиклари, сўрилари ва калитлари олтиндан; учинчи даражаники ёқут, дур ва забаржаддан. Қолган тўқсон

етти даражанинг қандай эканини фақатгина Аллоҳ билади".

Абу Саид Худрийдан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Жаннат юз даражадир. Агар бутун оламлар унинг биттасига жойлаштирилса, бемалол сиғади". (Термизий ривояти).

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Соҳиби Қуръон жаннатга кирганда, "ўқи ва кўтарил!" дейилади. У ўқийди ва ҳар бир оятда бир даража кўтарилиб бораверади, ҳатто ўзи билган оятнинг охиргисини ўқишгунча (кўтарилаверади)" (Ибн Можа ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Соҳиби Қуръонга, ўқи, кўтарил ва дунёда тартил қилганинг каби тартил қил (тартил – тажвид билан дона-дона ўқиш). Сенинг манзилинг охирги оятни ўқиган жойингдадир", дейилади" (Абу Довуд ривояти).

Абу Ҳафс Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Жаннатнинг даражалари Қуръон оятларининг сонига тенг, ҳар бир оятга бир даража берилади. Бу олти минг икки юз ўн олти оятдир. Ҳар икки даражанинг оралиғи осмон билан ерча келади. У даражалар "иллийин"нинг энг юқорисида ниҳоя топади. Унинг етмиш минг устунни бор, улар ёқутдан бўлиб, бир неча кеча-кундузлик масофадан нур сочиб туради".

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: "Жаннат даражалари Қуръон оятларининг ададича. Жаннатда Қуръон ўқувчи кимсадан ҳам афзалроқ даражада бирор кимса бўлмайди".

Уламолар (уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) айтадилар: "Ҳофизул Қуръон, ҳамалатул Қуръон ва қорилар ҳукмларни, ҳалол ва ҳаромларни билувчилар ва ундаги нарсаларга амал қилувчилардир".

Шунингдек, Қуръонни мақтаниш ва риё учун ўқиган кимсалар ҳақида Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда етарлича огоҳлик бор: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Ким Қуръонни ўрганса ва ўргатса-ю, ундаги нарса (буйруқ ва қайтариқ)ларни олмаса ва бузса, жаҳаннамга кириши учун Қуръон унга қарши ҳужжат ва гувоҳ бўлади. Ким Қуръонни таълим олса ва таълим берса ҳамда ундаги нарсаларни олса, жаннатга кириши учун Қуръон унинг фойдасига ҳужжат ва гувоҳ бўлади".

"Саҳиҳул Бухорий"да келган ҳадисда: "Қуръон ўқувчи ва унга амал қилувчи мўминнинг мисоли утружжа (апельсин) каби, унинг таъми ҳам, ҳиди ҳам ширин. Қуръон ўқимайдиган мўминнинг мисоли хурмо каби, унинг таъми ширин, лекин ҳиди йўқ. Қуръон ўқийдиган фожирнинг мисоли райҳон кабидир. Унинг мазаси аччиқ, бироқ ҳиди ширин. Ўзи фожир, бунинг устига Қуръон ўқимайдиган кишининг мисоли қалампир каби, унинг ҳиди ҳам йўқ, мазаси ҳам аччиқ", дейилади.

Демак, жаннатда юзта даража бор, уни Аллоҳ йўлида юрувчиларга тайёрлаб қўйган. Қуръон ўқиш эса, жами даражаларни ҳосил қилади. Аллоҳ таоло марҳамати ила ихлосли қилсин.

***Имом Қуртубийнинг "Тазкира"сидан***